

standartlashtirilgan testlari tuzildi, test natijalarini masshtablash usullari o'zlashtirildi. XX asrning 40-yillari oxirida turli maktab fanlari bo'yicha natijalarning mutanosibli va solishtirilishini ta'minlash uchun sinov testlari yaratildi. Bu davrda pedagogik o'lchovlar nazariyasida testlarni standartlashtirish uchun zarur bo'lgan reprezentativ namunalarni shakllantirish usullari keng ishlab chiqildi, ma'lumotlarning korrelyatsion, dispersiya va omilli tahlil usullari ishlab chiqila boshlandi, ma'lumotlarning ishonchliligini oshirishning samarali usullarini izlash boshlandi. sinov natijalari kuchaytirildi [2].

XX asrning 80-yillari oxiridan boshlab o'lchovlarning ishonchliligini bashorat qilish, test samaradorligini oshirish va talabalar tayyorgarligi parametrlarini baholash usullari amaliyotda keng qo'llanila boshlandi. Xulosa o'rnida aytish mumkinki, xorijda testlarni rivojlantirish tarixining o'rgangan holda hozirgi davr pedagogik o'lchash va uni qo'llash usullarining yangi modellarini yaratish, testlarni ishlab chiqish va ulardan foydalanish sohasiga turli innovatsiyalar va texnologiyalarni joriy etish bilan pedagogik testlash jarayonini yanada takomillashishida katta burilishlar hosil qilishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. Рубцова Е.В. Пути совершенствования тестового контроля сформированности компетенций студентов ВУЗа // КНЖ. 2017. № 4 (21).
2. Сеногноева Н.А. Из истории развития понятия "педагогический тест" // БГЖ. 2018. № 3 (24).

ХУШМУОМАЛАЛИК КАТЕГОРИЯСИ МАКСИМАЛЛАРИНИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНИШИНING ВЕРБАЛИЗАЦИЯСИ

Адамбоева Н.Қ., ФарДУ кафедраси ўқитувчиси, O'zbekiston

Аннотация. Ушбу мақола хушмуомалалик категориясининг ижобий баҳоланиши нутқий вазиятлардаги гаплар орқали очиб беради.

Калит сўзлар: ижобий хушмуомалалик, салбий хушмуомалалик, юз, миннатдорчилик билдирмоқ.

Тарих давомида инсоният томонидан тўпланган кўплаб қадриятлар умуминсонийдир. Бироқ, турли маданиятларда маълум қадриятларнинг аҳамияти, уларнинг қиймат миқёсидаги иерархияси ҳар хил. Айнан шу нарса ҳар бир маданиятнинг оригиналигини, унинг ўзига хослик ва уникал эканлигини белгилайди. Тил билан бирга маданий қадриятлар ва урф-одатларнинг умумийлиги ёки ўзига хослигини аксиологик баҳоланиши хушмуомалалик категорияси назариясининг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

Ҳар қандай маданият ўзига хос қадриятлар тизимида асосланади, улар асосий ҳаётий кўрсатмалар бўлиб хизмат қилади ва пировардида маълум бир жамият маданиятини белгилайди. Масалан, Шарқ анъаналари жамият ва шахс бирлиги, оила, ота-она ва катталарга ҳурмат, шахснинг ўзини-ўзи камол топтириши, ўзаро боғлиқлик, шахслараро муносабатлардаги уйғунлик, камтарлик каби қадриятлар билан ажралиб туради. Ғарб анъаналари учун бу шахс ва жамиятнинг қарама-қаршилиги, шахсий қадриятларнинг жамоат қадриятларидан устунлиги, мустақиллик, шахс эркинлиги, тенглик ва бошқалар. Хушмуомалалик ижтимоий меъёр ёки кўрсатувчи ижтимоий "қоидалар" мажмуи сифатида тавсифланади. Илк бор бу қоидалар асосида Э.Хоффман "юз" (face), яъни мулоқот жараёнида вужудга келадиган ва бошқа одамлар томонидан баҳоланадиган ўзига

ижобий баҳо бериш тушунчасини киритди [5]. Юз назарияси бизнинг севилиш ва бошқаларга юк бўлмаслик истагимиз тамойилларига асосланади. Э.Хоффманнинг юз тушунчасини ўрганиш тажрибасига асосланиб, олимлар унинг иккита таркибий қисмини ажратадилар: **ижобий юз ва салбий юз**. "Юз"ни сақлашнинг бир усули сифатида аксиологик жиҳатдан баҳолашга риоя қилиш керак.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпгина тадқиқотчилар "юз" тушунчасини англо-америкалик П.Браун ва С.Левинсон дуети томонидан ишлаб чиқилган "хушмуомалалик назарияси" тўлиқ ва изчил талқин қилган деб билишади [3]. Улар ҳар бир инсоннинг икки юзи (ижобий ва салбий) борлигига ишонишади. Уларнинг талқинидан ижобий юз - бу маъқулланиш, тушуниш, ёқтириш ва ҳайратга тушиш истаги, салбий юз эса ҳар бир шахснинг ҳаракат эркинлиги ва жазодан озод бўлиш эҳтиёжи тушунилади. Масалан, "*I would like it if you would shut the door*" гапида сўзловчи нафақат илтимосни, балки мулоим бўлиш ниятини ҳам ифодалайди, "*Shut the door*" гапида эса, худди шу мулоқот шароитида ишлатилган, бундай ният ҳақида маълумот йўқ. Демак, мулоқотга киришганда, суҳбатдошлар бир-бирларининг "юз"ини қўллаб-қувватлаш ва сақлашга қизиқишади. Шу мақсадда улар мулоқот стратегияларининг бутун тизимидан фойдаланадилар. Биз эса бу "юз" тушунчаларини қарама-қарши йўналишга эга бўлган "ижобий хушмуомалалик" (*positive politeness*) ва "салбий хушмуомалалик" (*negative politeness*) деб юритамиз ва хушмуомалалик категорияси максималларини аксиологик баҳоланишини ушу турларга асосланиб таҳлил қиламиз.

П.Браун ва С.Левинсоннинг хушмуомалалик назарияси 1987 йилда нашр этилган «*Politeness: Some Universals in Language Usage*» [1] ("Хушмуомалалик: тилдан фойдаланишдаги баъзи универсалликлар") монографияси орқали аллақачон социолингвистика ва лингво-прагматика соҳасида классикага айланди. П.Браун ва С.Левинсоннинг бу назарияси хушмуомалалик стратегиясини қондириши керак бўлган шахснинг хоҳиш-истакларини батафсил тушунтиришга асосланди.

Ижобий хушмуомалалик (*Positive politeness*) – бу стратегияда асосий эътибор тингловчининг ижобий юзига таҳдидни минималлаштиришга қаратилади. Масалан: *It would be great if you finish writing the dissertation quickly and defend it in the recent days, I believe you will be able to do it.* (Диссертациянгизни тезликда ёзиб тугатиб, яқин кунларда ҳимояга чиқсангиз жуда яхши бўлар эди, сиз буни уддалашингизга ишонаман). Аммо, Б.Фразер [4] "*Perspective on Politeness*" (Хушмуомалалик истиқболлари) мавзусидаги тадқиқотида П.Браун ва С.Левинсон томонидан илгари сурилган хушмуомалалик стратегияларига танқидий ёндашади. Унинг фикрича, нутқдаги хушмуомалаликни тушуниш учун қуйидаги саволларга жавоб бера олиш керак: *Нутқий этикет қандай қўлланади? Сўзловчи танловининг хушмуомала бўлиб эшитилишига қандай омиллар таъсир қилади? Қайси қоида энг юқори самарадорликка эга?* Олим тадқиқотида "хушмуомала бўлиш – тингловчини нутқий вазиятда ўзини яхши ҳис қилишига имконият яратиш ёки уни ҳижолат тортмаслигини таъминлаш дегани эмас" деган мулоҳазани келтиради. Аммо фикрини далиллар, манбалар билан асослаб бера олмайди. Биз эса, *ижобий хушмуомалалик* стратегиялари сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги бирдамликни (*solidarity*) ифодалашдан иборат деб ҳисоблаймиз ва уларни нутқнинг қуйидаги сатрларида ифодаланади деб, изоҳлаймиз:

1) тингловчига эътибор ва қизиқишнинг намоён бўлиши, яъни тўғридан-тўғри иқтибос келтириш, тингловчини диалогга жалб қилиш, тингловчининг

хоҳиш ва майлларини ҳисобга олган ҳолда келишувга интилиш: *Ошхонада ўзича тимирсикиланиб турган онам, “уйланиш”, “тўй” сўзлари қулоғига чалинди, шекилли, суҳбатга қизиқиши ортиб чойни янгилаш баҳонасида чорпоёга яқин келди.*

- *Ҳали янгангиз.... у ёқда, - дея қўшни қиз уйи ёққа ияк билан ишора қилди. - Соч юлиб, қайғуриб ётибди....*

- *Ия? Нега? – ўсмоқчилади отам.*

Файзулла ака лаб буриб, елка учирди:

- *Хотинларни биласизку..... (Луқмон Бўрихон. Жазирамадаги одамлар);*

2) гуруҳ ичидаги ўзига хослик муҳитини яратиш, яъни диалект, жаргон, "сиз"га мурожаат қилиш, эллиптик шаклланишлардан фойдаланиш: *Ўлгурлар, мунча тўйни қисталонгга олишибди, - деди ойим негадир илжайиб. - Ишқилиб, тинчликми?*

- *Тинчлик... Уч ой ўтар- ўтмас ҳаммасини тушунасан, - деди отам ва шу ердалигимни ногоҳ сезиб қолгандай, менга юзланди: - Сен нега анқайиб турибсан. (Луқмон Бўрихон. Жазирамадаги одамлар).*

П.Браун ва С.Левинсонларнинг назарияси “суҳбатдошлар юзларининг ўзаро заифлиги шароитида оқилона суҳбатдош юзга таҳдид солмаслик ((*the face threatening act (FTA)*))га интилади ёки юзга таҳдидни камайтириш учун муайян стратегиялардан фойдаланишини” [2] изоҳлайди. Муаллифлар мулоқотчилар эътиборга оладиган учта асосий жиҳатларни кўрсатади:

1) суҳбатдошга юз ифодасини ўзгаришини етказиш истаги;

2) қисқа ва мазмунли бўлиш истаги;

3) маълум даражада тингловчининг юзини сақлаб қолиш истаги.

Агар иккинчи жиҳат учинчидан муҳим аҳамиятга эга бўлмаса, у ҳолда сўзловчи юз ифодасини ўзгариш таҳдидини камайтиришга ҳаракат қилади. П.Браун ва С.Левинсон юз ифодасини ўзгаришини камайтириш мақсадида бешта асосий стратегия: 1) юмшатувчи таъсир кўрсатмасдан, тўғридан-тўғри; 2) ижобий хушмуомалалик билан боғлиқ юмшатувчи таъсир билан; 3) салбий хушмуомалалик билан боғлиқ юмшатувчи таъсир билан; 4) билвосита; 5) умуман юз ифодасини ўзгартирмасликларни аниқлайди.

Коммуникатив хатти-ҳаракатларда кузатилган хушмуомалаликни ижобий баҳоланишининг яна бир жиҳати сўзловчи новербал омилларга ҳам тайянишидир (масалан, доимо табассум қилиш). Худди шундай хусусият инглизларнинг оғзаки мулоқотида тез-тез содир бўлади, бу ерда улар ҳиссиётларини намоён қилади. Бир қатор нутқий вазиятларда "совуқ ва эҳтиёткор инглизлар" мулоқотда ҳайратланарли ҳиссиёт ва экспрессивликни намоёиш этадилар. Шундай қилиб, масалан, улар кўпинча суҳбатдошни ҳам, содир бўлаётган ва кузатилаётган ҳамма нарсани ҳам ортиқча баҳолайдилар, бунинг учун турли хил ҳиссий юкланган лексемалардан фойдаланадилар: *great, excellent, perfect, gorgeous, wonderful, brilliant, superb, fantastic, fabulous, marvelous, divine, ravishing, terrific, delighted, enjoyable* ва ҳ.к. Масалан:

How absolutely marvelous! (Қандай ажойиб!) [дўстингизнинг боғида];

That's fabulous. You must be thrilled (Ажойиб. Сиз хурсанд бўлишингиз керак.) [яхши янгиликларга муносабат];

You're being extremely kind (Сиз ниҳоятда меҳрибонсиз) [кичик ёрдам учун миннатдорчилик];

I've been desperately worried about you (Мен сиз ҳақингизда жуда хавотирда эдим) [хотин ишдан кеч келган эрига];

You are absolutely fantastic. Your speech was brilliant. I really enjoyed that (Сиз мутлақо ажойибсиз. Нутқингиз ажойиб эди. Менга ёқди) [ҳамкасбнинг иш фаолиятини баҳолаш].

Хушмуомалалик категориясининг ижобий баҳоланиши вербализациясини ўзида яққол намоён қила оладиган яна бир лисоний ҳаракат бу – миннатдорчилик ҳаракатидир. Миннатдорчилиكنи ифодалаш чоғиштирилаётган иккала тилларда ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эга ва кенг қўламли шахслараро муносабатларда тез-тез ва очиқ қўлланилади: *яқин дўстлар, танишлар, нотанишлар, бошлиқлар ва бўйсунувчилар билан*.

Уларни ёзма нутқда қуйидагича кодлаш (coding) мумкин:

2.3-жадвал.

“Раҳмат (thanking)” тоифасини кодлаш

	Izohi	Kodlash
oddiy rahmat	<i>thank you, thank/ rahmat</i>	Ty yoki Ts
batafsil minnatdorchilik bildirish	1) minnatdorchilik bildirish va bitta kuchaytirgich qo'shish orqali (<i>thank you very much/katta rahmat</i>); 2) minnatdorchilik bildirish va ikkita kuchaytirgichni qo'shish orqali (<i>Thank you very much indeed/boshingiz ko'kka yetguncha, chin yurakdan rahmat</i>); 3) rahmat aytish va sababini eslatish orqali [thanking for+reason] (<i>Thank you for your consideration and your attention toall of the things that we brought forward / Ardoqlar, e'zozlar uchun tashakkur!</i>); 4) tashakkur bildirish va kuchaytirgich(lar)ni va sababni qo'shish orqali [thanking + intensifier +for (reason)] (<i>Thank you very much for showing us your home/ Taklifimizni qo'llab-quvvatlaganingiz uchun cheksiz minnatdorchilik bildiraman</i>)	TI TII TRf TIRf

Умуман олганда, турли маданиятларда ҳис-туйғуларнинг намоён бўлиш хусусиятларини тушуниш учун эмоционаллик, ҳиссий мулоқот каби тушунчалар билан биргаликда уларнинг аксиологик хусусиятини ҳам фарқлаш лозим. Шунинг учун ҳам одобли/одобсиз хатти-ҳаракатлар турли маданиятларда турлича тушунилиши ва шунга мос равишда турли хил намоён бўлиш нутқий шаклларига эга бўлиши бежиз эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Brown P. & Levinson S. C. (1987). Politeness: some universals in language usage. – Cambridge: Cambridge University Press.
2. Brown P., Levinson S. Politeness: some universals in language usage. – Cambridge: Cambridge University Press, 1988. - P. 61 (345 p.)
3. Eelen, Gino. A Critique of Politeness Theories. - Manchester: St Jerome Publishing, 2001. – P.3.
4. Fraser B. Perspectives on Politeness // Journal of Pragmatics, 1990. – № 14. – P. 219-236
5. Goffman, E. / Interaction rituals: essays on face-to-face behavior / E. Goffman. – Garden city, NY: Anchor books, 1967. – P.14. (149p.)